

## СИБЛИНГ МУНОСАБАТЛАР ДИАГНОСТИКАСИДА ПРОЕКТИВ МЕТОДИКАЛАР ЎРНИ

*Наргиза Гайибова Анорбаевна*

*ms.gayibova@mail.ru*

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси*

### АННОТАЦИЯ

Мақолада шахс сиблинг мақоми, сиблинг муносабатлар ҳамда оиласий муносабатларни диагностика қилишда проектив методикалардан фойдаланиши масаласи ёритилган. Шу билан бирга “Оила социограммаси” методикаси тўғрисида маълумот берилган. Мазкур методика орқали ўсмирнинг оиласидаги шахслараро муносабатларини ўрганишининг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Оила, оила социограммаси, ўсмир, сиблинг мақоми, сиблинг муносабатлар, шахслараро муносабатлар, проектив методикалар.

Мамлакатимизда оила ва унинг мустаҳкамлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Ижтимоий психология соҳасидаги тадқиқотларнинг салмоқли қисми ҳам оила ва ундаги муносабатларнинг шахс тараққиётига таъсирини ўрганишга бағишлиданади. Зеро шахснинг шаклланиши ва келажагини белгилашда унинг оиласидаги муҳит, ундаги шахслараро муносабатлар, яъни боланинг ота-онаси, сиблинглар билан алоқалари муҳимдир. Жумладан, сиблинглар – ака-ука, опа-сингиллари билан муносабатларининг ўзига хослиги, оиласида фарзандларнинг бир-бирларини тушунишлари, баъзан тортишиб, баъзан дўстона муносабатда бўлишлари аҳамиятли таъсир кўрсатади. Шу боис ҳам ўсмирнинг тенгқурлари билан бўладиган шахслараро муносабатларига таъсир этувчи омиллар қаторида унинг сиблинг мақоми таъсирини илмий жиҳатдан ўрганиш долзарб масалалардан биридир.

Боланинг сиблинг мақоми ва унинг шахсий кўрсаткичлар билан боғлиқлиги масаласига бағишиланган конкрет ижтимоий-психологик тадқиқот Ўзбекистон шароитда ўтказилмаган. Зеро, мамлакатимиз демографик жиҳатдан ўртача фарзандли оиласар сони юқори бўлган худудга киради. Оиласида икки ёки уч фарзанднинг бўлиши замонавий Ўзбекистон оиласари учун хосдир.

Оилашунос олимлар сиблинг (инглизча sibling, sibs – бир оиласидаги акалар-укалар ва опалар-сингиллар маъносини англатади) мақомини шартли равишда тўрт турга бўлиб ўрганганлар, жумладан, тўнғич, ўртанча, кенжада ва ёлғиз фарзанд мақомилариидир.

Шахснинг сиблинг мақоми муаммосини ўрганган А.Адлер 1920 йиллардаёқ ўз изланишларидан келиб чиқиб, ёлғиз фарзандлар шахслараро муносабатларда қийинчиликларга дуч келишлари мумкин, деган хуросага келди.

Р.Б.Фельсон сиблинглар ўзаро муносабатларидағи агрессивликни ўрганиб, оиласады ёлғиз жинсли болага нисбатан (жинсидан қатъий назар) бошқа болаларнинг жисмоний ва вербал агрессив ҳаракатлар қилишини аниқлади. Шунингдек, сиблинглар ўзаро тортишувига ҳадеб ота-оналарнинг аралашуви кутилган натижаларга олиб келмаслигини исботлади. Фельсоннинг фикрича, шахснинг агрессив хулқ-авторига унинг оиласидаги шахслараро муносабатлар қаторида, сиблинг мақоми ва сиблинглар сони ҳам муҳим роль ўйнайди.

Амалий психологик ёрдам кўрсатишида мижознинг оиласи, унинг оиласады ўрни ва мавқеини ўрганишида турли психодиагностик методлар олиб борилади. Оиласады шахслараро муносабатларни ўрганувчи проектив методикалардан бири “Оила социограммаси” методикасидир. Мазкур методика Э.Г.Эйдемиллер томонидан таклиф этилган бўлиб, расмли проектив методикалар сирасига киради. Ушбу методика орқали оиласады шахслараро муносабатлар тизимида субъектнининг ўрнини ва оиласады коммуникациянинг қай даражада эканлигини ўрганиш мумкин. Методика бошқа проектив методикалардан ўзининг қулайлиги билан ажралиб туради. Методикани ўтказиш тартиби қуйидагича: синалувчига диаметри 11 см бўлган доира туширилган оқ қофоз ва қуйидагича кўрсатма берилади: “Сизнинг олдингиздаги варакда доира расми келтирилган. Доира ичига ўзингизни ва оила аъзоларингизни доирачалар шаклида жойлаштиринг ва уларни номланг”. Агар синов оила ичидан ўтказилаётган бўлса, оиланинг барча аъзолари топширикни бир-бирлари билан маслаҳатлашмасдан бажаришлари зарур. Шундагина натижаларни баҳолаш ишончли асосда амалга оширилади. Натижалар қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади: доира ичига жойлаштирилган оила аъзоларининг сони, доирачалар ҳажми, доирачаларнинг бир-бирига нисбатан жойлашиши, доирачалар орасидаги, бир-бирига нисбатан масофа.

Методика натижалари таҳлилига кўра, биринчи мезон бўйича оила аъзоларининг ҳақиқий сони расмдаги доирачалар сони билан таққосланади. Субъект кўпинча низода бўладиган оила аъзосини расмда қолдириб кетиши мумкин, кўпинча синалувчи уни “Эсидан чиқариб” қолдиради. Шу билан бирга доира ичидан оила аъзоси сифатида ташқаридан кимдир ёки қандайдир предмет,

---

синалувчи учун аҳамиятли бўлган бирон нарса ёки севимли уй ҳайвони расмда ўз аксини топиши мумкин.

Иккинчи мезонда доирачалар ҳажмига эътибор қаратилади. “Мен” доирачасининг бошқа доирачалардан катталиги синалувчининг ўзига нисбатан эътибор, баҳосининг юқорилигидан, кичиклиги эса - ўзига нисбатан баҳоси ва аҳамиятнинг пастлигидан далолат беради. Бошқа оила аъзолари доирачаларининг катта-кичиклиги синалувчи учун уларнинг аҳамиятлилик даражасини ёки синалувчи уларни қандай идрок қилишини кўрсатади.

Учинчи мезонда синалув майдонидаги доирачаларнинг жойлашувига эътиборни қаратиш зарур. Синалувчининг ўз доирачасини марказга қўйиши шахснинг эгоцентрик йўналғанлигини билдиrsa, аксинча ўзини барча оила аъзоларидан қўйида жойлаштириши рад этилганлик ҳиссини билдиради.

Синалувчи учун аҳамиятли бўлган оила аъзоси расмда бошқа оила аъзоларига қараганда каттароқ доира шаклида бўлиб, синов майдончасининг марказида ёки юқорисида, ўз доирачасига яқин жойлаштирилган бўлади.

Сўнгги мезон, бу доирачалар орасидаги масофанинг таҳлили. Агар доирачалар бир-биридан анча узоқда жойлаштирилган бўлса, бу оилада тез-тез келишмовчиликлар бўлиб туришини англатади. Доирачаларнинг бир-бирига қўшилиб ёки бир-бирининг устидан чизилиб кетиши оиладаги симбиоз алоқаларнинг мавжудлигини билдиради.

Барча мезонлар тўлиқ ўрганилиб оиладаги шахслараро муносабатлар, субъектнинг оиладаги ўрни, унга аҳамиятли бўлган оила аъзоси ва бошқалар ҳақида хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Ўсмирнинг гуруҳидаги муносабатларига оиладаги шахслараро муносабатларнинг таъсирини ўрганиш аввалида гуруҳда социометрия ўтказилиб, синалувчиларнинг социометрик нуфузи аниқланиб олинди. “Оила социограммаси” методикаси таҳлили натижаларига кўра, тенгдошлари даврасида нуфузи паст ўсмирлар оила социограммасида ўзларини чизишни унутиб қолдирганлар. Бу эса ушбу ўсмирлар оилада ўз ўрнига эга эмасликларини, оиладаги салбий психологик мухит, ўсмирнинг тенгдошлари билан муносабатларига ҳам маълум маънода таъсир кўрсатаётганлигини билдиради. 23% тўнғич фарзандлар ўзларини барча оила аъзоларидан қўйида ёки чеккада жойлаштирганликлари, уларнинг ўзларини оилада рад этилгандек хис қилишларини билдиради. Бунга сабаб, айрим ота-оналарнинг тўнғич фарзандга бошқа фарзандларга нисбатан талабчанлик ва қўпол муносабатда бўлишлари, ота-онанинг катта фарзандидан умидларининг ҳаддан зиёд

оғирлиги дейиш мумкин. Тенгдошлари томонидан танланмаган ўсмирларнинг аксарияти, айнан тўнғич қиз болалар расмларида ўзидан олдинга, ота-онаси доирасининг яқинига укасининг доирасини каттароқ қилиб тасвирлаганларига гувоҳ бўлдик. Бу тўнғич фарзандларнинг оилада ўзларини инкор этилгандек ҳис қилишларини билдириб, синалувчиларнинг оиладаги мавқеининг тенгдошлари гурухидаги мавқеига бевосита таъсири борлигидан далолат беради.

Тўнғич фарзандларнинг 37%и, ўртанча фарзандлардан 32%и “Мен” доирачасини синалув майдонининг пастки қисмида тасвирлаганлар, таҳлил натижаларига кўра, ушбу ўсмирлар социометрик танловларда кам танлов олган ўкувчилардир. Масалан, қуйидаги тасвирга эътиборни қаратадиган бўлсак. Расм эгаси ўзини бошқа оила аъзоларидан каттароқ қилиб чизган бўлса-да, укасини ота-онасига яқин қилиб таъсвирлаган. Шу билан бирга ўзини майдоннинг қуи қисмида бошқалардан алоҳида тарзда ифодалаган, бундан у оиладаги мавқеини укасиникидан қуи тарзда идрок этишини билиш мумкин. Худди шу синалувчи ўтказилган ижтимоий психологик сўровномаларда оила аъзолари муносабатларидан қониқмаслигини билдирган, ўзи ҳам тенгдошлари томонидан социометрия натижасига кўра ҳеч қандай танлов олмаган. Бу эса ўсмирнинг оиладаги мавқеи, муносабатлар характеристи тенгдошлари гурухидаги мавқеида ўз этишини топишини яна бир бор намоён қилмоқда.

Оилада ёлғиз фарзанд бўлган 40% ўсмирлар “Оила социограммаси”да расмларида “Мен” доирачаси ота-она доирачалари билан тенг, 20% эса катта қилиб чизилган. Бу синалувчининг ўзига нисбатан эътибор, баҳосининг юқорилигидан билдиради.

Оила аъзоларини турли томонларда, бир-биридан узоқ масофада тасвирлаганлигидан, бу оилада шахслараро муносабатларда камчиликлар мавжудлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин. Ёлғиз фарзандларнинг 40%и, тўнғич ва кенжа фарзандларнинг 30 %и, ўртанча фарзандларнинг эса 23%и “Мен” доирасини марказда тасвирлаганлар. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу тўнғич, ўртанча, кенжа фарзанд мақомидаги ўсмирларнинг аксарияти жинс бўйича оилада фарзандлар орасида ёлғиздир. Бундан, уларнинг жинс жиҳатидан ягоалиги оиладаги шахслараро муносабатларда уларга нисбатан эътиборнинг кучлилигини ҳамда бошқа фарзандлар орасида нуфузини юқори даражада идрок этишларини кўрсатади.

Тадқиқотимизда олинган натижалар ўсмирнинг оиладаги шахслараро мулоқотининг қай даражада эканлиги, оила аъзолари билан муносабатларининг

характери унинг тенгқурлари билан бўладиган муносабатларига ҳамда улар орасидаги мавқеига таъсир қилишини қўрсатди. Ўтказилган социометрик тадқиқотларимиз натижаларига кўра, оила социограммасида ўзларини оила аъзоларидан қўйида ва жуда кичкина доирача тарзида тасвирлаган ўсмирларнинг гурухда тенгдошлари билан муносабатлари ҳам ижобий эмас экан.

Демак, юкоридаги натижалардан умумий холосамиз шуки, ўсмирнинг сиблинг мақоми, оиласидаги шахслараро муносабатлар характери, фарзандга унинг сиблинг мавқеидан келиб чиқиб муомала қилиш унинг тенгқурлари орасидаги нуфузига ва улар билан бўладиган шахслараро муносабатларига ўз таъсирини қўрсатади. Ўсмирларнинг оиладаги шахслараро муносабатларини ўрганишда “Оила социограммаси” методикасидан фойдаланиш керакли маълумотларни олиш имкониятини беради.

### **REFERENCES**

1. Адлер А. Как управлять стремлением к превосходству./ Возрастная психология: Детство, отрочество, юность: Хрестоматия: Учеб. пособие для студ. пед. вузов/ Сост. и науч, ред. В.С.Мухина, А.А.Хвостов. – М.: Издательский центр “Академия”, 2000. – 624 с. С.155Акрамов М. Р. Психологопедагогические особенности экологического образования //The Way of Science. – 2014. – С. 78.
2. Akramov M. R. et al. Шахс касбий йўналганлиги ривожланишида масъулиятлиликнинг аҳамияти //Молодой ученый. – 2021. – №. 11. – С. 259-261.
3. Акрамов М. Р. Конфликт и его социально-психологические свойства //Молодой ученый. – 2021. – №. 6. – С. 293-295.
4. Акрамов М. Р. Экологическое сознание как предмет психологического исследования //Научная платформа: дискуссия и полемика. – 2020. – С. 30-32.
5. Rustamovich A. M. The moral consciousness dynamics of students is the position in the process of high education //European journal of education and applied psychology. – 2016. – №. 1.
6. Arkamov M. R. THE ETHICAL AWARENESS BEHAVIOR OF STUDENTS DURING HIGHER EDUCATION (IN THE CONDITION OF UZBEKISTAN) //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2016. – Т. 4. – №. 10.
7. Акрамов М. Р. Проблемы изучения психологических особенностей развития экологического сознания по ва ясвину //SCIENCE AND WORLD. – 2013. – С. 117.

- 
8. Нишонова З. Т., Аскарова Н. А., Расурова Ф. Ф. Диагностика и психокоррекция детей с агрессивным поведением. – 2011.
  9. Khamidovna K. Z. et al. Psychological Aspects Of The Development Of Ecological Ideas Among Students //Psychology and Education Journal. – 2021. – T. 58. – №. 2. – С. 7812-7818.
  10. Гайбова Н. А. ТЕХНОЛОГИЯ ВОСПИТАНИЯ ДЕТЕЙ С ДЕВИАНТНЫМ ПОВЕДЕНИЕМ //International scientific review. – 2020. – №. LXXIV.
  11. Gayibova N. A. Influence of the sibling statuse's of teenagers on interpersonal relations //European Journal of Education and Applied Psychology. – 2016. – №. 2. – С. 68-69.
  12. Gayibova N. A. PSYCHOLOGICAL FEATURES OF THE FORMATION OF SIBLING RELATIONSHIPS IN ADOLESCENTS.
  13. Хоментаускас Г.Т. Семья глазами ребенка: Дети и психологические проблемы в семье/ Г. Хоментаускас. – Екатеринбург:Рама Паблишинг, 2010. 233,с. – (Серия «Авторитетные детские психологи»).
  14. Эйдемиллер Э.Г., Добряков И.В., Никольская И.М. Семейный диагноз и семейная психотерапия. Учебное пособие для врачей и психологов. Изд. 3-е – СПб.: Речь, 2007. – 352с. С.49.
  15. Назаров А. С. Psychological aspects of managerial decision making //Молодой ученый. – 2020. – №. 44. – С. 45-48.
  16. Назаров А. С. Принятие управлеченческих решений как основная функция современного менеджера //Вопросы экономики и управления. – 2020. – №. 2. – С. 1-5.
  17. Nazarov A. S. Psychological foundations of managerial decision-making //Молодой ученый. – 2021. – №. 3. – С. 46-48.
  18. Назаров А. С. THE PSYCHOLOGY OF DECISION-MAKING STRATEGIES //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2021. – №. 1-7. – С. 79-82.
  19. Назаров А. С. и др. ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗРАБОТКИ И РЕАЛИЗАЦИИ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ РЕШЕНИЙ //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2021. – №. 2-9. – С. 31-35.
  20. Назаров А. Scientific and methodological foundations of the influence of the social and psychological properties of the manager on managerial decisions //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 4/S. – С. 523-532.

- 
21. Назаров А. Научно-методические основы влияния социальнопсихологических свойств руководителя на управленческие решения //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 4/S. – С. 523-532.
22. Назаров А. С., Митина О. В. ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПРИНЯТИЯ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ РЕШЕНИЙ //Наука и мир. – 2020. – №. 12-1. – С. 73-75.